

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ
ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИГА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШНИНГ
НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

Маматова Дилноза Бекпўлатовна
таянч докторант, Ўзбекистон давлат
жаҳон тиллари университети

Мамлакатимизда кундан-кунга нафақат мактаб, лицей, коллежларда балки мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларида ҳам инглиз тилини ўрганишга қизиқиши ортмоқда. Сабаби, ҳаммамизга маълумки ҳозирги кунда иқтисодий, фан ва маданий жиҳатдан ривожланган давлатларнинг тилларини ўрганишга эҳтиёж катта ва бу жаҳон илм-фани ва тараққиёти ютуқларини эгаллашнинг бош омилидир. Давлатимиз ҳозирда босқичма-босқич ривожланиш давридадир, ўтган ўн йил ичида мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда кўплаб тадбирлар олиб борилди. Бундай ижобий ўзгаришлар таълим соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Ўтказилган ислоҳотлар таълим тизимининг барча босқичларига яъни болалар боғчаларидан тортиб олий таълимгача таъсир кўрсатди. Таълимни ислоҳ қилишнинг асосий мақсадларидан бири юқори натижаларга эришиш қобилиятларини рўёбга чиқаришга қодир рақобатбардош шахсни шакллантиришдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари”** тамойили асосида кейинги беш йилликда мамлакатимизда амалга ошириладиган ислоҳотларнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асосларини яратиб беришга қаратилган **Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси лойиҳасининг 39-мақсадида:** Мактабгача таълим тизимида таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш, Боғча ходимларининг профессионал тайёргарлиги ва касбий маҳоратини ошириб боришнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш, мактабгача таълим-тарбия жараёнларини илмий асосланган ёндашувлар

асосида такомиллаштириш вазифалари келтирилган.(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон)

Мактабгача ёшдаги болаларга бир қарашда чет тилини ўргатиш жуда осон вазифа бўлиб туюлиши мумкин. Ўқитувчи болаларга турли хил расмларни кўрсатиши ва муайян тасвир учун лексик бирлик шаклида бир хил табиий рефлексни ривожлантиришга эришиши мумкин. Лекин бу ўрганиш ё ўргатиш ҳам эмас.

Мактабгача ёшдаги болаларга чет тилларини ўқитиш методологиясининг асосий йўналишлари бўйича олиб борилган тадқиқот ишларидан намуналар келтириб ўтсак: Невежена И. А. " 5-8 ёшли болаларга чет тилини ўқитишнинг мусиқий ва бадиий асослари"; Нельзина Е. Н. "Мактабгача таълимда чет тили комплекс асосида ўқитиш"; Давыдова Е. А. "Чет тили дарсларида ёш мактаб ўқувчиларининг ахлоқий, эстетик ва мусиқий маданияти ривожлантириш усуллари"; Гнилова Т. Н. "Мактабгача ёшдаги болаларга машҳур қўшиқ ва мусиқа асосида чет тилини ўргатиш"; Махнева И. А. " Мактабгача ёшдаги болалар чет тили маданияти билан танишишнинг интеграцион ўйин технологияси"; Ткачук Г. Д." Мактабгача таълимда ёзув эртақлари асосида чет тили ўқитиш”(Невежина, И.И.2000.) ва бошқалар.

Инглиз тилини ўқитишнинг самарали усуллари излаш турли йўналишларда амалга оширилади, аммо шуни таъкидлаш керакки, инглиз тилини ўқитишнинг ривожланаётган таълим ва тарбиянинг амалий мақсадларига эришиш зарурати туфайли чет тили таълим муҳитини ташкил этиш муаммолари энг муҳим ҳисобланади. Чет тилидаги таълим муҳити инсоннинг ҳар томонлама (когнитив, интеллектуал ва шахсий) ривожланишига ҳисса қўшиши лозим.

Н.А.Спичко чет тилидаги таълим муҳитини "чет тилидаги коммуникатив компетенциянинг ўзига хос даражасига эришиш учун яратилган шароитлар тизими, шу жумладан, ижтимоий ва табиий муҳит, ўқув жараёнида ишлатиладиган воситалар, шунингдек, ўқитиш техникаси ва

технологиялари"(Спичко,Н.А.2004)деб белгилайди. Олимнинг фикрича, чет тилидаги таълим муҳити нафақат тилни ўрганишга, балки шахсни ҳар томонлама ривожлантириш, коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш, билиш жараёнлари ва ҳоказоларга қаратилиши лозим. Шундай қилиб, ихтисослаштирилган таълим муҳити ва мактабгача ёшдаги бола ривожланишининг психологик қарашлари ўртасидаги муносабатларни аниқлаш, таълимдаги индивидуал фарқларни шакллантириш тамойилларини англаш барча тарбияланувчилар учун чет тилини ўзлаштиришда муваффақият даражасини оширишга қаратилган таълим муҳитида индивидуал махсус технологияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини беради.

Мактабгача таълим ташкилотларида инглиз тилини ўрганиш ёш боланинг ижтимоий ва шахсий ривожланишига ёрдам беради. Инглиз тилини эрта ўрганишнинг замонавий методологиясида лингвистик компетентликни шакллантириш муаммоси, мактабгача ёшдаги болаларни ўқитиш жараёнига нисбатан етарлича ўрганилмаган. Мактабгача ёшдаги болага инглиз тилини ўргатиш жараёнида мутахасис педагог асосий эътибори боланинг лингвистик компетентлигини шакллантиришга қаратилган бўлиб, қуйидаги услубий методлардан фойдаланилади: кўринишдан фойдаланиш, юз ифодалари, имо-ишоралар, ҳаракатлар; тақлид-тахлил; таққослаш; таъриф; талқин; шарҳ; таржима.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг лингвистик компетентлиги шакллантиришга қаратилган ўқитиш воситалари, булар: муаллифлик дастури қўлланма, кўргазмали материаллар, аудио ва видеодан иборат материаллар, сўз бойлигини ўргатиш учун компьютер дастури қўлланманинг тегишли бўлимларини ўз ичига олади.

5-6 ёшли болаларни инглиз тилига ўргатишда қўлланиладиган ижодий ҳолат уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган самарали методик услубдир. Ижодий вазият боланинг шахсиятининг ижодий салоҳиятини очиб беришга ёрдам беради, унинг барча психологик, ижодий

механизмларини ўзаро таъсир қилади. Ўз навбатида, креативлик ижодкорликка тайёрлик сифатида мураккаб сабаб-оқибат муносабатларини тушуниш ва шу асосида лингвистик (грамматик) тушунчаларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

Чет тилини ўзлаштириш бошқа халқлар вакиллариغا нисбатан ҳурмат ва дўстона муносабатни, бағрикенглик ва инсонпарварликни тарбиялашга, шу билан бирга ахлоқ-одоб ва ватанпарварлик тарбиясига ёрдам беради. Мактабгача ёшдаги болаларни ўқитишда таълимий, ривожлантирувчи ва тарбиявий жиҳатлар ҳозирги кунда алоҳида аҳамият касб этмоқда, шу муносабат билан кўпгина методистлар таълим-тарбия жараёнини режалаштиришда бу турдаги вазифаларни олдинги ўринга қўймоқдалар.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, чет тилини яъни инглиз тилини ёш тарбияланувчиларга ўргатишнинг ижобий томонлари анчагина саналади.

Мактабгача таълимда машғулотлар сифати замонавий талаблар даражасида бўлиши учун энг аввало, мутахассис кадрлар юқори касбий тайёргарлик даражасига эга бўлишлари лозим. Бунинг учун эса ҳозирги ахборот оқими тезлашиб бораётган даврда ҳар бир ўқитувчидан узлуксиз равишда ўзи ўргатаётган фан соҳасидаги ва шу билан бирга умуман ташкилотдаги, тизимдаги ўқув-тарбия жараёнига тегишли янгиликлардан хабардор бўлиб бориши талаб қилинади. Бундан ташқари, бундай янгиликларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаб етиш ҳамда ўз амалий фаолиятида ижодий равишда фойдалана билиш кўникма ва малакаларига эга бўлиш жиддий аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон. 5б
2. Невежина, И.И. Обучение иностранному языку детей 5-8 лет на музыкально-ритмической основе: на материале английского языка: специальность 13.00.02 «Теория и методика обучения и воспитания»: диссертация на соискание ученой степени кандидата педагогических наук / Невежина Ирина Ивановна. – Москва, 2000. – 179 с.
- 3 Спичко, Н.А. Образовательная среда в обучении иностранным языкам / Н.А. Спичко // Иностранные языки в школе. – 2004. – № 5. – С. 44 – 48.